

Ўрмон хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида 2016 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

Ҳисобот йилида Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ва унинг тизимидаги ўрмон хўжаликлари томонидан соҳада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

2016 йил давомида 44 минг гектар (*прогнозга нисбатан 100 фоиз*), шу жумладан, Орол денгизининг қуриган тубида 17 минг гектар майдонда чўл ўсимликларидан янги ўрмонзорлар барпо этилиб, табиий тикланишига кўмак бериш тадбирлари олиб борилган. 395 гектар майдонда ниҳолхона ва кўчатхоналар ташкил этилган.

Республика бўйича 4400 тупдан ортиқ лола дарахти, 53000 тупдан кўпроқ крим қарағайи, 91000 донадан зиёд чилонжийда кўчатлари экилган.

Ўрмонзорлар барпо қилиш ва қайта тиклаш билан бир қаторда уларни кўриқлаш, муҳофаза қилиш, касаллик ва зараркунандалардан асраш мақсадида 25 минг гектар майдонда ўрмон касалликлари ва зараркунандаларига қарши, шундан режадаги 14,7 минг гектар майдонда биологик кураш ишлари олиб борилган.

2016 йил давомида 170 км масофада ёнғинга қарши йўллар, 36 км янги химоя линиялари, 280 км минераллаштирилган полосалар қурилган, ўрмон хўжалиги аҳамиятига эга 1770 км узунликда ёнғинга қарши йўллар ва 1530 км минераллаштирилган полосалар таъмирланиб, барча кўрсаткичлар прогнозга нисбатан тўлиқ бажарилган.

Ўрмон хўжаликларида маданий ҳолда етиштириладиган доривор ўсимликлар турларини кўпайтириш ҳисобига ўсимликлар маданий плантациялар майдонини кенгайтириш ҳамда доривор ўсимликларни тайёрлаш ва етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида 2352 гектар майдонда 45 турдаги доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантациялари ташкил этилган. Ҳисобот даврида 6755 тонна доривор ва озуқабоп ўсимликлар хомашёси тайёрланган.

Ўрмон фонди ерларидан кўшимча фойдаланиш тармоқларида 796,8 млн сўмлик (*ўтган йилга нисбатан 110,4%*) халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилган ва аҳолига 85,7 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилган. Касаначилик асосида 15 та кўшимча янги ишчи ўринлари ташкил этилган.

Ахборот хизмати